

СҮХДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ” ШИОРИ ОСТИДА ТАРФИБОТ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Сўх туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишиланган “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда Маънавият ва маърифат маркази ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар, тарғиботчилар иштирок этишид.

Тадбирда сўз олганлар буюк истиқолимиз тақдим этган тенгсиз неъмат – тинчлик ва хотиржамлик, кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган илоҳотлар, хусусан, Сўх туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғояларининг фуқаролар қалбида юз кўрсатаётган ғунчалари, юрт ишига камарбаста бўлиб келаётган сўхлик фидоий инсонлар ташабbusлари борасида сўзладилар.

Туман маданият марказида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаол хотин-қизлар, мактаб раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирокида “Сўх тумани: маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарадорлиги” мавзусида амалий кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Семинар якунида бир гурӯҳ маънавият тарғиботчилари ҳамда соҳада фидоийлик кўрсатаётган масъуллар Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими томонидан ташаккурномалар, эсадалик совғалари билан тақдирланишди, китоблар тарқатилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишлари билан танишдилар. “Чашма” булоғи, “Ҳазрат Али” зиёратгоҳига борилди, бу ерларга ташриф буюрувчилар билан дилдан сухбатлар қурилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-08-09 18:20:02